

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ
МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУХАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ**

**“ДЕФОРМАЦИЯЛАНУВЧАН ҚАТТИҚ ЖИСМЛАР
МЕХАНИКАСИ”**

МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

МАЪРУЗАЛАР Тўплами

II -ЖИЛД

СБОРНИК ДОКЛАДОВ

РЕСПУБЛИКАНСКОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

**“МЕХАНИКА ДЕФОРМИРУЕМОГО
ТВЕРДОГО ТЕЛА”**

ТОМ-II

Тошкент шаҳри. 2018 йил 25 октябрь

метеостанцияси маълумотлари бўйича қуйидагича тавсифланади. Ҳавонинг ўртача ҳарорати +14.7 С°, максимал + 43 С°, минимал – 26 С°. Шамолнинг ўртача йиллик эсиши тезлиги бўйича энг юқори кўрсаткичи 3.0м/сек га тенг бўлиб, унинг ўртача йиллик кўрсаткичи 2.2м/сек га тенг. Совуқсиз кунлар 280 кунни ташкил этади. Йиллик ёғингарчилик миқдори 545 мм, унинг асосий қисми вегетация давридан бошқа муддатларда ёғади. Йил бўйича дала ишларига қулай бўлган кунлар сони 280 кунни ташкил этади. Хўжалик жойлашган ҳудудининг термик шароитлари унда техник экинлар ва сабзавотларни етиштириш ҳамда боғдорчилик ва узумчилик сохалари ривожлантиришга жуда қулай ҳисобланади.

Тупроқлар озуқа элементлари билан ўртача таминланиш даражасига эга бўлиб, ҳайдалма қатламда чириндининг миқдори 0.75 - 11.19% ни ташкил этади. Механик таркиби бўйича эскидан суғориладиган ҳудудда энгил, ўрта ва оғир қумоқли, янгидан суғориладиган ҳудудларда 40 - 50 см да шағал тўшалган ўрта ва оғир қумоқлардан иборат. Маданийлашганлик даражаси бўйича кам ва ўрта даражада маданийлашган. Тупроқнинг карбонатлашганлик ҳолати ҳам юқори бўлиб, гипслашмаган. Ер ости сувларининг чиқиб кетиши учун яхши шароитлар ушбу ҳудудда шўрланиш жараёнлари ривожланишини секинлаштиради.

Хулоса. Массив ҳудудида мавжуд бўлган ерлардан фойдаланиш даражасини таҳлил қилиш учун ердан фойдаланишга таъсир кўрсатувчи табиий ва иқтисодий омиллар мавжудлиги аниқланди ва таҳлил қилинди ҳамда массив ҳудудида ердан фойдаланишнинг истикболга режаси ишлаб чиқилди. Ердан фойдаланишларнинг мавжуд ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирлардан бири ер тузиш ҳисобланади. Шу сабабли, “Солижонобод” массиви бўйича икки ечимда қуйидагиларни ўз ичига олувчи ер тузиш лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Унда:

- Ер турларининг таркиби ва майдонлари аниқланган улар ҳудудда жойлаштирилган.
- Массив учун энг самарали ҳисобланган ишлаб чиқариш йўналишини белгиланган ҳолда тупроқ мониторинги ва илмий асослари ишлаб чиқилган.

Массив ҳудудида ердан фойдаланиш самарадорлигига таъсир кўрсатувчи омиллардан бири бу экологик омиллар ҳисобланади. Улар аниқланди ва таҳлил қилинди. Лойиҳада ердан фойдаланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи омиллардан бири сифатида 1.4 га майдонда ихота дарахтлари полосалардан жойлаштириш кўзда тутилган. Қишлоқ хўжаликни интенсивлаш жараёнида ечиладиган асосий масала-ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш ва тупроқ унумдорлигини доимий ошириб боришдир. Ердан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, тупроқ мониторинги ва тупроқ унумдорлигини доимий ошириб бориш, деҳқончилик маданиятини кўтариш, илм-фан ва техника ютуқларидан фойдаланишга шароит яратиш, ерни ва атроф муҳитни кўриқлаш хозирги вақтда ер тузишнинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Тоғ олди ярим чўл зонаси. Марказий Осиё провинцияси Оч тусли бўз тупроқлар пояси аллювиал проллювиал ётқизикли Кенг тўлқинсимон тоғ олди текислиги суғориладиган оч тусли бўз тупроқ.											
Ўзлаштирилиш даражаси ва маданийлашгани	Механик таркиби			Чиринди		Шўрланиш даражаси	Нишаблиги	Механик таркиби		Бонитет балли	Сифат буйича баҳоси
	-30	30-100	100-200	Қатлам қалинлиги	%			ювилиши	сизот суви		
Эскидан суғориладиган юқори маданийлашган	Кумлок	қумлоклар	Кумлоклар	-50	1,85	шўрланмаган	1,05	ювилмаган	6	86	яхши
Эскидан суғориладиган юқори маданийлашган	Кумлок	енгил кумли	қумлок	-50	1,68	шўрланмаган	1,05	ювилмаган	6	81	яхши
Эскидан суғориладиган юқори маданийлашган	Кумлок	енгил кумли	Кумлок	-40	1,54	шўрланмаган		ювилмаган	6	76	яхши
Эскидан суғориладиган юқори маданийлашган	Кумлок	Кумлок	енгил кумли	-50	1,35	шўрланмаган		сув билан уртача	6	72	яхши
Эскидан суғориладиган ўрта маданийлашган	Кумлок	енгил кумли	қумлоклар	-40	1,1	кам шўрланган		сув билан уртача	4	68	ўрта

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аvezбаев С.Н Волков. Ер тузишни лойхалаш. Янги аср авлоди, 2004.
2. О.Рамазонов, О.Юсупбеков. Тупроқшунослик ва дехкончилик. Т.: Шарқ, 2003.
3. Землеустроительное проектирование и организация землеустроительных работ. www.prom.kz
4. МГУ им. М.В.Ломоносова – Мелиорация эродированных почв и агрелесомелиорация. www.soil.msu.ru

УДК 633.51:631.816/.674

СУҒОРИШ ВА ОЗИҚЛАНТИРИШ ТАРТИБЛАРИНИНГ “АНДИЖОН-36” ҒЎЗА НАВИ ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ.

Н.Қ.Ражабов, ассистент, Х.Т.Бекмуродов - ассистент, ТИҚХММИ,

Аннотация. Тошкент вилояти типик бўз тупроқлари шароитида сув-ўғит (NPK) лари меъёри, суғориш тартиблари, сони, тизими, суғоришлар давомийлиги, мавсумий суғориш меъёрларини ва мақбул сув-ўғит (NPK) меъёрларини ўрганилган ғўзанинг “Андижон-36” навида мақбул суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% да, хужайра шираси концентрацияси шоналашда 9,6-9,8%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 10,3-11,9% ва пишиш даврида эса 12,0-12,9% оралиғида бўлганда суғорилганда NPK нинг 190-133-95 кг/га меъёрда қўлланилганда йиллар давомида 31,7-41,7 ц/га гача, ўртача 35,3 ц/га юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилди.

Таянч сўзлар: ғўза нави, рефрактометр, хужайра шираси, мавсумий суғориш, ўғит (NPK) меъёр-нисбатлари, суғориш тартиблари, тупроқ аграфизикаси, суғориш олди тупроқ намлиги, кўчат қалинлиги, ҳосилдорлик.

ВЛИЯНИЕ РЕЖИМОВ ОРОШЕНИЯ И НОРМ ВНЕСЕНИЯ МИНЕРАЛЬНЫХ УДОБРЕНИЙ НА УРОЖАЙНОСТЬ СОРТА ХЛОПЧАТНИКА «АНДИЖАН-36».

Н.К.Ражабов - ассистент, Х.Т. Бекмуродов - ассистент, ТИИИМСХ

Аннотация. Научно-исследовательские работы по изучению режимов орошения т.е. нормы полива, сроков и число поливов, а также нормы внесения минеральных удобрений (NPK), для сортов хлопчатника «Андижон-36» проводились в условиях типичных сероземных почв Ташкентской области.

Установлено, что для сорта “Андижан-36” предполивная влажность почвы должна быть 65-65-60% от ППВ, а концентрации клеточного сока в период бутонизации хлопчатника 9,6-9,8%, в период цветения и плодообразования 10,3-11,9%, в период созревания 12,0-12,9% нормы минеральных удобрений соответственно NPK-190; 133; 95 кг/га. Выше указанные предполивная влажность почвы и концентрации клеточного сока обеспечивали получение 31,7-41,7 ц/га, в среднем 35,3 ц/га хлопка-сырца.

Ключевые слова: хлопковое, рефрактометр, сотовый сок, сезонное орошение, нормы оплодотворения (NPC), оросительные процедуры, почвенная агрофизика, орошение, влажность почвы, толщина семян, продуктивность.

IRRIGATION AND FEEDING ORDERS IMPACT TO THE FECUNDITY OF «ANDIJAN-36» COTTON TYPE.

N.Q.Rajabov - assistant, Kh.T. Bekmurodov - assistant, TIAME

Abstract. Under the condition of grizzly soil in Tashkent region, investigating the level of water-fertilizer, the number of irrigation orders, the length of irrigation, seasonal irrigation levels and the proper water-fertilizer level, prior to properly watering “Andijan-36” species cotton trees, high quality harvests have been obtained at the rate of 31,7-41,7 c, on the average 35,3 c, with the soil

humidity of 65-65-60% according to LFHC, with the Cell Juice Concentration of 9,6-9,8%, at the rate of 10,3-11,9% in the period of blossoming-harvesting and at 12,0-12,9% in the period of ripening, using the NPK at the rate of 190-133-95 kilos.

Key words: cotton, refractometer, honeycomb juice, seasonal irrigation, fertilization norms (NPC), irrigation procedures, soil agrophysics, irrigation, soil moisture, seed thickness, productivity.

КИРИШ. Ҳозирги вақтда сув танқислигининг олдини олиш муоммалари дунёда ечимини қутаётган энг муҳим долзарб масалалардан бири бўлиб, улар комплекс изланишларни талаб этади, шу жумладан қишлоқ хўжалигига қўйиладиган асосий талаблар ер ва сув ресурсларидан оқилона тўғри фойдаланиб, мўл ва сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришдан иборат.

Мамлакатимизда ғўза навларини жойлаштиришда ва навларнинг янгиланишида худудларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ҳамда навнинг биологик хусусиятларига алоҳида эътибор қаратиш лозим, тола сифати халқаро бозор талабларига жавоб бериши жуда катта аҳамиятга эга. Шунингдек, экилаётган ёки экиш учун тавсия этилган янги ғўза навларининг сув-ўғит (NPK) меъёрлари ва суғориш тартибини ўрганилган ҳолда уларни сув танқислигига-қурғоқчиликка, озикага талабини аниқлаш айниқса сув танқислиги кузатилаётган кейинги йилларда амалий аҳамиятга эга.

ТАЖРИБА ОБЪЕКТИ ВА МЕТОДИКАСИ . Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда “Дастур” да белгиланган дала тажрибаларини ПСУЕАИТИнинг марказий тажриба хўжаликлари далаларида аввалдан суғориб деҳқончилик қилинадиган, ер ости сувлари сатҳи чуқур бўлган типик бўз тупроқлар шароитида дала тажрибалари ўтказилиши таъминланди.

Тажриба 7 та вариант, 3 та такрорланишда бир ярусда жойлаштирилди. Ҳар бир бўлакча 8 қатордан эни-4,8 м, бўйи 100 м, майдони 480 м², шундан ҳисоб майдони 240 м², 4 қатор, эни-2,4 м, узунлиги 100 м. Ўрта толали “Андижон-36” ғўза навининг ҳосилдорлиги икки хил ўғит меъёрларида N-160, P₂O₅-112, K₂O-80 ва N-190, P₂O₅-133, K₂O-95 кг/га, уч хил суғориш тартибларида ЧДНСга нисбатан 65-65-60%, 70-70-60%, 70-75-60% да ҳамда шу суғориш режимларига нисбатан қиёсий таҳлил қилиниб суғориш олдидан ғўза барги шираси концентрасияси ўсув нуқтасидан учинчи ва тўртинчи барглар олиниб қўл рефрактометри ёрдамида аниқланиб ўрганилди [1]. Тажриба тизими 1,2-жадвалларда келтирилган.

ТАЖРИБА НАТИЖАЛАРИ. Тажриба даласи тупроғининг агрофизикаси тупроқнинг унумдорлигини белгиловчи асосий омиллардан ҳисобланади механик таркиби, чекланган дала нам сифими (ЧДНС), сув ўтказувчанлик, ҳажм оғирлиги, тупроқ зичлиги, ғоваклиги ва уларнинг микробиологик кўрсаткичлари июн, июл, август, сентябр ойларининг 1-3 кунлари фенологик кузатувларида ғўзанинг ўсиши, ривожланишига боғлиқлиги ўрганилди.

Тупроқнинг чекланган дала нам сифими (ЧДНС) йиллар давомида 0-70 см қатламида 21,0-21,8%, 0-100 см қатламида эса 21,4-22,0% га тенг бўлди, сув ўтказувчанлиги олти соат давомида мавсум бошида эрта баҳорда ўртача 891,8-907 м³/га ни ташкил этди.

Ғўзанинг ўсиш-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва пишиши, албатта, уларни парваришидаги сув-озика меъёрига ва суғоришлар тартибига бевосита боғлиқлиги кузатилди.

Ғўза навларнинг ўсиш-ривожланишига суғориш ва озиклантириш тартибларининг таъсири мавсум бошланишиданок кузатувларимизда кўзга ташланди айниқса амал даври

охирида янада аниқроқ кўринди, йиллар давомида **август** ойининг бошида вариантлар бўйича олинган кузатувларимиз маълумотларига кўра бош поя баландлиги “Андижон-36” ғўза навида 83,8-96,8 см гача ўсганлиги кузатилди, кўсақлар сони “Андижон-36” навида 7,6-11,0 донагача тўпланганлиги аниқланди. Бу ерда назорат “С-6524” ғўза навида кўсақлар “Андижон-36” навида нисбатан камроқ тўпланганлиги кузатилди [2].

1-жадвал

ТАЖРИБА ТИЗИМИ

№	Вўза навлари	суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан, % да	маъдан ўғитлар меъёри, кг\га		
			N	P	K
1	С-6524	70-70-60 ХШК (ККС)	200	140	100
2	“Андижон-36”	65-65-60	160	112	80
3	“Андижон-36”	ХШК (ККС)	190	133	95
4	“Андижон-36”	70-70-60	160	112	80
5	“Андижон-36”	ХШК (ККС)	190	133	95
6	“Андижон-36”	70-75-60	160	112	80
7	“Андижон-36”	ХШК (ККС)	190	133	95

Изоҳ: ХШК-Хўжайра шираси концентрацияси,

ЧДНС-Чекланган дала нам сизими

Минерал ўғитларни қўллаш муддатлари


(соф ҳолда кг/га)

2-жадвал

Маъдан ўғитлар бериш муддатлари	вариантлар			вариантлар		
	2,4,6			3,5,7		
	N	P	K	N	P	K
кузги шудгордан олдин	-	75	40	-	100	50
экиш билан бирга		17	-	30	20	-
3-4 чинбарг чиққанда	40	-	-	30	-	-
шоналаш бошланганда	60	-	40	65	-	45
гуллаш бошлаганда	60	20	-	65	13	-
йиллик миқдори	160	112	80	190	133	95

Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60% бўлган вариантларда амал-ўсув даврида йилларнинг келишига қараб яъни 1-2(3)-1(2) тизимда 4-6 марта суғориш ўтказилди, суғориш олди тупроқ намлиги ўртача 59,8-66,4%, Бир суғоришда 810-1180 м³/га, мавсум давомида 4450-5890 м³/га сув берилди, суғориш давомийлиги 22-35 соатни, суғориш оралиғи 17-27 кунни ташкил этди, қўл рефрактометри (ХШК) нинг кўрсаткичлари эса 8,6-12,9% оралиғида ўзгариб турди. Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-70-60% бўлган вариантларда амал-ўсув даврида 5-7 маротаба яъни 1-3(4)-1(2) тизимда суғорилди, тупроқ намлиги ўртача 60,5-71,4%, ҳар бир суғоришда 680-990 м³/га, мавсум давомида 4730-5990 м³/га миқдорда сув берилди, суғориш давомийлиги 20-33 соатни, суғориш оралиғи 13-27 кунни ташкил этди. қўл рефрактометри (ХШК) нинг кўрсаткичлари эса 8,5-12,9% оралиғида бўлди ва ниҳоят суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-75-60% бўлган вариантларда амал-ўсув даврида 6-8 маротаба суғорилди яъни 1-4(5)-1(2)

тизимда сув берилди, суғориш олди тупроқ намлиги ўртача 59,4-76,4%, Ҳар бир суғоришда 670-880 м³/га, мавсум давомида 4950-6130 м³/га миқдорда сув берилди, суғориш давомийлиги 21-32 соатни, суғориш оралиғи 12-28 кунни ташкил этди, қўл рефрактометри (ХШК) нинг кўрсаткичлари эса 9,0-12,9% ни ташкил қилди 1-расмда кўрсатилган.



1-Расм. Ғўза навининг мавсумий суғориш меъёрлари, м³/га

Ушбу ғўза нави экилган тажриба даласида сарф бўладиган сув миқдори кўпгина омилларга, жумладан, илдиз жойлашган қатламдаги намликнинг миқдорига, сув сарфи эса суғоришлар сони тез-тез қайтарилишига ва давомийлигига, тупроқдаги нам захираси, йилнинг келишига, об-ҳаво шароити ва ўсимликларнинг озика моддалар (NPK) билан таъминланганлигига, парваришlash агротадбирлари тизимининг муддатида ва сифатли ўтказилишига боғлиқлиги кузатилди [3,4].

Суғориш олди тупроқ намлиги “Андижон-36” ғўза нави учун ЧДНС га нисбатан 65-65-60%, қўл Рефрактометри (ХШК) кўрсаткичлари эса гуллашгача 9,6-9,8%, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 10,0-11,9%, пишиш даврида 12,0-12,9% да ўғитлар NPK нинг 190-133-95 кг/га меъёрида қўлланилганда энг юқори пахта ҳосили олинди ва бу уч йилда ўртача 35,3 ц/га юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилди, бунда терим олди кўчат қалинлиги йиллар бўйича 78,5-100,4 минг туп гектарига ташкил этди. Бу вариантларда бир центнер пахта ҳосили олиш учун сарфланган сув сарфи “Андижон-36” ғўза навида 147,0-193,7 м³/га ни, терим олди битта кўсақдаги пахта вазни йиллар бўйича 4,1-5,0 граммни ташкил этди.

Суғориш тартиби ғўзанинг биологик хусусиятларига ва тезпишарлигига ўз таъсирини кўрсатади, бизнинг тажрибаларимизда ҳам ўз исботини топди. Ғўза навида суғориш меъёрларининг 65-65-60% дан 70-70-60% га, NPK нинг 160-112-80 кг/га дан 190-133-95 кг/га га ортиши ва юқори намликда 70-75-60% ғўзанинг бўйи бироз ўсиб кетгани, кўсақларнинг нисбатан кечроқ очилиши кузатилди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР. Илмий-тадқиқот натижаларимизга кўра типик бўз тупроқлар шароитида, ер ости сувлари чуқур бўлган ер майдонларида уч йиллик (2009-2011 йй) тўпланган маълумотлар асосида қуйидагича хулосага келинди:

- ғўзанинг “Андижон-36” навини сув-ўғит (НРК) лари меъёри-нисбатларини бир мунча камайтирилган ҳолда суғориш тартиблари сонини, тизими, суғоришлар давомийлигини, мавсумий суғориш меъёрларинининг мақбул меъёрларини ўрганилаётган ғўза навларининг ўсиши, ривожланиш фазалари бўйича тақсимланишини ўрганилди.

- дала тажрибаларида ўрганилган ғўзанинг “Андижон-36” нави андоза С-6524 навига нисбатан ялпи ҳосилдорлиги, тезпишарлиги, теримлар бўйича битта кўсақдаги пахта вазни юқори бўлганлиги кузатилди.

- ғўзанинг “Андижон-36” навида мақбул 65-65-60% НРК нинг 190-133-95 кг/га меъёр нисбатларида 31,7-41,7 ц/га гача юқори ва сифатли ҳосил олишга эришилди.

- ғўзанинг “Андижон-36” нави эса бирмунча андоза “С-6524” ғўза навига нисбатан сувсизликга чидамлилиги кузатилди.

- ер ости сувлари чуқур, ўртача оғир механик таркибли типик бўз тупроқларда экиш схемаси 60 см ли қаторларда ғўза навлари экилган ер майдонларида эгат узунлиги йилларнинг келишига сув таъминотига қараб эгат узунлиги 60-100 метрдан ошмаслигини таъминлаш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. ЎзПИТИ- Тошкент, 2007.- Б. 1-147.
2. Авлиёқулов А.Э., Хасанов М. Ғўзанинг ўрта толали “Бухоро-8” навини парваришlash агротехнологиялари. //Халқаро илмий-амалий конференция маърузалар тўплами. -Тошкент, 2010. Б. 183-185.
3. Авлиёқулов А.Э., Батталов А., ва бошқалар. Бухоро-6 нави парвариши. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали. Тошкент, 5-сон, 2003, 11-12 бет.
4. Мирзажанов Қ.М. Сув бутун борлиққа ҳаёт бахш этар. //Пахтачилик ва дончиликни ривожлантириш муаммолари. Халқаро илмий конференция маърузаларидаги мақолалар тўплами. ЎзПИТИ. – Тошкент, 2004. Б. 65-66

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИНТЕРПОЛИМЕРНЫХ КОМПЛЕКСОВ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ МЕЛИОРАТИВНОГО СОСТОЯНИЯ ЗЕМЕЛЬ.

Х.Ибрагимова ст.пр., Н.Гадаев асс

При орошаемом земледелии, для повышения урожайности хлопчатника и других культур основную роль играет минерализация, используя удобрения, подаваемые при поливах, обеспечивая улучшения мелиоративного состояния земель.

Глубоко изучены потребности культур к минерализации удобрениями, порядок питания, нормы применения, изменения химических, биохимических, физиологических процессов растений.

Физиологические процессы происходящие у растений (обмен веществ, фотосинтез, движение воды, процесс развития) непосредственно связаны с нормой и порядка подпитывания минеральными удобрениями. Минерализация происходит проникновением

ионов по закону осмоса по почве, через корни растений, а также с участием в обмене веществ и движении в стволе растений. Ионы, движущиеся в радиальном направлении, впитываются в сосуд ксилема, проводящий через себя органические соединения, с транспирацией воды проходят в ствол и листья растений.

Как известно, что при минерализации хлопчатника и прочих культур участвуют 13 элементов, в том числе азот, фосфор, калий, кальций, магний и относительно большое количество серы и т.д. [1].

Количество минеральных элементов в стволе растений зависят от их количества в почве, генезиса почвы и развития. Наибольшее количество минеральных веществ на хлопчатнике расположены на листьях, а наименьшее в волокне. При подпитывании основные элементы, как азот, фосфор и калий наблюдались, соответственно, в семенах, коробочках и волокнах, а кальций, магний, сера в листьях хлопчатника.

При процессе обмена веществ на стволе растений каждый элемент своеобразен и имеет особое, незаменимое значение. К примеру, основные вещества протоплазмы азота - нуклеиновая кислота, витамины, гормоны, алкалоиды, хлорофилл входят в состав амидов и белков. Фосфолипиды, фосфотиды, фосфорные эфиры, сахарные вещества мембраны клеток фосфора являются составной частью нуклеопротеидов, а все белки, пептиды, некоторые аминокислоты серы входят в состав эфирных масел и в мембране клеток соединяет липидные молекулы. Кальций удерживает форму рибосомы синтезирующий белков. Магний входит в состав хлорофилла, ускоряет деятельность ферментов и вместе с кальций является составом фитин. Калий увеличивает способность водоудержания цитоплазмы, ускоряет процесс фотосинтеза, потока ассимилянтов, деятельность ферментов, участвует при обмене белков.

На основе данных, полученных при лабораторных и полевых условиях в разных почвенных и климатических условиях, даны рекомендации и внедрены к производству. Но несмотря на это применяемая норма минеральных удобрений в сельском хозяйстве для растений подобных хлопчатнику в условиях рыночной экономики не соответствует требованиям.

В зонах, где используется орошаемое земледелие, особенно, в степных зонах с каждым годом снижается плодотворность почв, степень использования минеральных удобрений, который является одним из основных факторов повышения плодотворности, относительно низок.

В официальных документах, рекомендованных для зон орошаемого земледелия, предложена отношения азота, фосфора и калия (NPK) как 1:0,75: 0,35 [3]. Анализ данных 1970 - 1980 годов показывает, что NPK в те годы составлял соотношение как 1:0,55:0,15. За прошедшие годы количество минеральных удобрений (NPK) повысился на 74 кг за гектар. При запланированном количестве 26 - 27 кг урожая на гектар, применяемые удобрения азота понижена на 13 кг/га, а количество фосфора и калия повышена на 22 и 65 кг/га, соответственно.

По сведениям исследователей, для формализации урожая 1 ц/га, хлопчатник получает от почвы 5,5 – 6,5 кг/га азота, 2 – 2,5 кг/га фосфора и 5 – 6 кг/га калия. Но независимо от урожайности хлопчатник использует азот в фазе сравнения от 69% (1970г) до 72% (2011г). Использование фосфора от 42 до 48%, а использование калия в фазе сравнения повысился на 3 раза, то есть от 35 кг/га до 100 кг/га. [2]

фойдаланиб, иккинчи “ўтказилган перпендикулярни берилган текислик билан кесишган нуктасини топиш” амалида, гўё у йўқдек, текисликнинг берилган чизикларидан фойдаланиб келинади. Ўтказилган махсус чизикларнинг бирортасидан текисликнинг берилган чизиклари билан бирор график амал бажаришда муаммоли (масаладаги график яшашлар чизмадан ташқарига чиқиб кетиш каби) ҳолат юзага келган ҳолдагина фойдаланилади.

Лекин “текисликда ўтказилган махсус чизиклар берилган текисликни ифодалайди, шунинг учун ундан фойдаланиш, масалаларни ечишда текисликнинг берилган тўғри чизикларидан фойдаланишга нисбатан қулай, осон ва тушунарли бўлиши” эканлиги бирорта адабиётда ёзилмаган ёки бизни ўқитган устозлар ёки ҳамкасбларимиз томонидан айтилмаган.

Бу ҳол “Чизма геометрия” фанидан илмий, методик ва методологик тадқиқот ишларини олиб борган ва бораётган олимлар ҳамда изланувчилар назаридан четда қолганлигини кўрсатади.

Шундай экан, масалаларни ечишда талабаларга психологик тўсиқ бўлган ихтиёрий вазиятдаги текисликларнинг турли кўринишларини уларнинг махсус – горизонтал ва фронтал чизикларини ўтказиш тағ амалини (текисликнинг кўриниши қандай берилишидан қатъий назар) бажариш шартдир. Яъни, таҳлил қилинаётган масалани унда ҳар қандай кўринишда берилган ихтиёрий текисликнинг махсус чизикларини ўтказиб, текисликларни 1-расмдагидек қулай кўринишга келтириб ва ифодалаб, гўё дастлабки берилишдаги текисликларнинг тўғри чизиклари йўқдек, масалани осонгина ечиб қўйиш мумкин.

Демак, чизма геометрияда ихтиёрий вазиятдаги турли кўринишдаги текислик қатнашган барча масалаларда уларни ечиш учун аввал уларни махсус – горизонтал ва фронтал чизиклар ёрдамида ифодалаб, яъни кўринишлари турлича берилган ихтиёрий вазиятдаги текисликларни **қулай ўзак** кўринишга келтириб, сўнгра уларни ишонч билан иккиланмай, яъни психологик тўсиқларсиз осонгина ечиш мумкин бўлади. Шундагина талабаларда метрик масалаларни ечишда муқаддам мавжуд бўлиб келинаётган кийинчиликлар бартараф этилади.

Натижада метрик масалалардан нукта билан текислик орасидаги масофани топишнинг такомиллаштирилган алгоритми қуйидагича ишлаб чиқилди:

1. Ихтиёрий текисликнинг махсус кесишувчи горизонтал ва фронтал чизиклари ўтказилади, яъни берилган текислик **ўзак** кўринишга келтирилади;
2. Нуқтадан текисликка перпендикуляр туширилади;
3. Унинг берилган текислик билан учрашган нуктаси аниқланади.
4. Ҳосил бўлган кесма изланаётган масофа бўлади.

Бу алгоритмнинг биринчи график амали қилиб, кўринишлари турлича берилган ихтиёрий вазиятдаги текисликларни қулай кўринишга келтириш амали олинди. Лекин биз “Чизма геометрия” фанида муқаддам фойдаланиб келинаётган масалаларни ечиш алгоритмларидаги график амаллар сонини сақлаб қолиш мақсадида, бу 1- график амални **0- график амал** ёки берилган масалаларни **0- қулай (ўзак) масала кўринишга келтириш амали** деб номладик ва у чизмада қуйидагича ифодаланади:

0- амал. Берилган ихтиёрий текисликнинг горизонтал h ва фронтал f чизиклари ўтказилади, яъни у ўзак масала кўринишга келтирилади: чизмада $h \parallel OX$ ва $f \parallel OY$.

Метрик масалаларни ечишдаги 0- ўзак масала кўринишга келтириш амали, чизма геометриядаги барча масалаларни ечишда ҳам ўз афзалликларига эга. Шунингдек, нукта

билан текислик орасидаги масофани аниқлашнинг янги алгоритмида график амаллар биттага кўпайишига қарамай, масалани ечиш жараёни талабалар учун ўзлаштирилиши осон, қулай ҳамда тушунарли бўлади.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот ишларимиз бизнинг фаразимиз, яъни метрик масалаларни ечиш алгоритмларини такомиллаштириш ва турлича кўринишларда берилган ихтиёрий текисликларни модернизациялаштирилган ўзак масала кўринишига келтириб ечиш мантиқан ва методик тўғри эканлигини кўрсатди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сайидахмедов Н.С., Абдурахимов С.А. Педагогик маҳорат ва педагогик технология. Монография, -Т., 2009, Б. 203-207.
2. Рихсибоев Т. Муҳандислик графикаси фанларини ўқитиш методологияси. –Т., 2011, Б.30-35.
3. Рихсибоев У.Т. Чизма геометрияда таянч метрик масалаларни ечишнинг янги тўғри бурчак усули. Номзодлик диссертацияси, –Т., 2007, Б. 58-69
4. Нурматов Э., Рихсибоев Т. Умумий вазиятдаги текисликларнинг масалаларни ечиш учун қулай кўринишда берилишини аниқлаш. “Инновацион технологиялар” илмий-амалий конференция материаллари тўплами. -Т., 2014, Б.189 .

УДК 627.824:

ТЎҒРИ БУРЧАКЛИ ПАРАЛЛЕЛ ПРОЕКЦИЯЛАРНИНГ ТЎҒРИ БУРЧАККА ОИД ХОССАСИ ИСБОТИГА ИЖОДИЙ ЁНДОШУВ

*Х.Рихсибаева –2-курс PhD докторанти Д.Кўчқорова-илмий раҳбар, т.ф.д. профессор
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти*

Аннотация Ушбу мақолада тўғри бурчакли параллел проекцияларнинг тўғри бурчакка оид хоссаси исботига ижодий ёндошиб, унинг талабалар томонидан осон ўзлаштириладиган янги исботи ишлаб чиқилган. Бу хоссани янги исботининг афзаллиги шундан иборатки, унда тўғри бурчак ҳақиқий катталигида тасвирланиб қолади.

ТВОРЧЕСКИЕ ИНСТРУКЦИИ ПО ПОЛНОМ НАПРАВЛЕНИЮ ПАРАЛЛЕЛЬНЫХ ПРОЕКТОВ ПТИЦ

Х.Рихсибаева –2-курс PhD докторанти Д.Кўчқорова-илмий раҳбар, т.ф.д. профессор Ташкентский институт ирригации и механизации сельского хозяйства

Аннотация В этой статье креативным подходом к свойству прямого угла ортогональной параллельной проекции разработан новый способ доказательства, легко усваиваемый студентами. Превосходство его в том, что прямой угол изображается в натуральную величину.

CREATIVE INSTRUCTIONS FOR FULL DIRECTED BIRD PARALLEL PROJECTS

Abstract In this article creative by approach to characteristic of the right angle orthogonal parallel projection is designed new way proof, easy adopted by student. The Superiority it in that the right angle is expressed life-sized

Тўғри бурчакли параллел проекцияларнинг тўғри бурчакка оид хоссаси қуйидагича ифодаланган: Агар тўғри бурчакнинг бир томони проекциялар текислигига параллел бўлса, унинг проекцияси ҳам тўғри бурчак бўлади.

Биз таҳлил қилиб чиққан адабиётларда бу хоссанинг исботи турлича келтирилган бўлиб, таълим дидактикасининг осондан қийинга, оддийдан мураккабга ва мавжуддан мавҳумга тамойили асосида ишлаб чиқилмаган. Шу боис педогогик ва психологик жиҳатдан талабаларнинг бундай исботларни ўзлаштиришлари қийин кечади.

Баъзи манбааларда тўғри бурчакнинг проекциялар текислигига параллел бўлган томони атрофида иккинчи томони айлантирилиб, янги вазиятга келтирилса ҳам, иккинчи томони ўзининг дастлабки проекцияловчи текислигида ётиб қолишига асосланиб исбот қилинган.^{3,4}

Яна бир манбаада тўғри бурчакнинг проекциялар текислигига параллел бўлган томонининг проекцияси ўзига параллел бўлгани ва иккинчи томонининг проекцияловчи текислигига перпендикулярлиги асосида исботланган⁵.

Бу хосса тўғри бурчакнинг параллел ва оғма томонининг проекцияловчи текисликлари ўзаро перпендикуляр ва улар ўз навбатида проекциялар текислигига перпендикуляр эканлиги ҳамда уларнинг ўзаро кесишув чизиқлари ҳам ўзаро перпендикуляр бўлишидан фойдаланиб исботланган⁶.

Айрим таҳлил қилинган адабиётларда бу хосса қуйидагича исботланган: аввал тўғри бурчакнинг оғма томонининг изи аниқланган. Сўнгра бу из орқали тўғри бурчакнинг биринчи томонига параллел тўғри чизиқ ўтказиб, уни бир вақтнинг ўзида иккинчи томоннинг проекциясига перпендикуляр ва биринчи томоннинг проекциясига параллел бўлишидан фойдаланилган⁷.

Таҳлил қилинган Н.А.Антипина ва бошқалар муаллифлигидаги адабиётда, таълим дидактикасининг оддийдан мураккабга тамойили асосида тўғри бурчакнинг проекцияси тўғри бурчак бўлиши қуйидагича исботланган:

Тўғри бурчакнинг ҳар икки томони проекциялар текислигига параллел қилиб олинган. Бундай ҳолатда тўғри бурчакли параллел проекцияларнинг “агар геометрик фигуралар проекциялар текислигига параллел бўлса, улар ўзгармай ўзларига тенг бўлиб проекцияланади” деган хоссасига асосан, фазодаги тўғри бурчакнинг проекцияси ҳеч қандай шубҳаларсиз тўғри бурчак бўлади⁸.

³ Р.Хорунов. Чизма геометрия курси. Тошкент “Ўқитувчи”, 1974, 38-39 бет.

⁴ Ш.К.Муродов ва бошқалар. Чизма геометрия курси. Тошкент “Иқтисод-молия”, 2008, 42-43 бет.

⁵ Н.Н.Крылов и другие. Начертательная геометрия. Москва “Высшая школа”, 1977, 32 стр.

⁶ Э.Собитов. Чизма геометрия қисқа курси. Тошкент “Ўқитувчи”, 1993, 4- бет.

⁷ В.О.Гордон ва бошқалар. Курс начертательной геометрии. Москва “Наука”, 1988, 38 стр.

⁸ Н.А.Антипина и другие. Начертательная геометрия. Часть 1. Томский политехнический университет. 2011, 31-32 стр.

Шуни таъкидлаш лозимки, икки томони проекциялар текислигига параллел бўлган тўғри бурчакнинг нафақат тўғри бурчаги ўзгармай тасвирланади, шунингдек унинг ҳар иккала томони ҳам ҳақиқий узунликларида ва тўғри бурчак ҳақиқий кўринишида тасвирланади. Лекин тўғри бурчакни ҳақиқий кўринишида тасвирланиши ҳақида кўриб чиқилган ҳеч бир адабиётларда қайд этилмаган.

Яъни, агар бундай тўғри бурчакнинг бирор томони проекциялар текислигига оғдирилса ҳам, у ўша томоннинг дастлабки ҳолатида ўтказилган проекцияловчи текислигида ётганлиги учун, уларнинг проекциялари устма-уст ётади ва бир томони оғма бўлган тўғри бурчакнинг проекцияси ҳам тўғри бурчак бўлади.


Демак, тўғри бурчакли параллел проекцияларда тўғри бурчакнинг проекцияси тўғри бурчак бўлиши учун, унинг нафақат икки томони проекциялар текислигига параллел бўлиши, фақат бир томони проекциялар текислигига параллел бўлиши зарур ва етарли бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган исботлар бевосита параллел проекцияларнинг “проекциялар текислигига параллел геометрик фигуралар ўзларига тенг ва ўхшаш-конгруэнт бўлиб тасвирланиш” хоссасига асосланмагани ва уларда турлича ёндошувлар бўлгани учун уларни умумлаштириб, исботини осон ва қулай ягона шакл ва мазмунга келтиришни мақсад қилиб олдик. Бунинг учун АВ томони оғма бўлган ва ВС томони проекциялар текислигига параллел бўлган тўғри бурчак ABC берилган ва унинг проекцияси A'B'C' қурилган бўлсин, 1-расм.

Креатив ёндошув асосида ҳақиқатда ҳам A'B'C' бурчак тўғри бурчак эканлиги, яъни 90° га тенглигини қуйидагича исботлаш мумкин:

1. ABC тўғри бурчакда умумий томони СВ бўлган чексиз кўп бўлган тўғри бурчаклар ўтказиш мумкин. Албатда улар орасида иккала томони ҳам проекциялар текислигига параллел бўлган A_1BC каби тўғри бурчак ҳам мавжуд бўлади.

Бундай тўғри бурчак геометрик фигуралар проекциялар текислигига параллел бўлса, улар ўзгармай ўзларига тенг бўлиб проекцияланиш хоссасига асосан шак-шубҳасиз $A_1B'C'$ бурчак тўғри бурчакка (90° га) тенг бўлади, 2-расм. Бунинг учун, 2-расмдан кўриниб турибдики, тўғри бурчакнинг оғма АВ томонининг оғиш бурчаги α ни 0 (ноль) га тенглаштириб олиш кифоя.



1- расм

2- расм

2. α бурчакни 0 (ноль) га тенглашириш орқали нафақат бир томони проекциялар текислигига параллел бўлган тўғри бурчакнинг проекцияси тўғри бурчак бўлиши осонроқ ўзлаштирилиши билан бирга унинг ҳақиқий кўринишига ҳам эга бўлинади. Чунки ABC тўғри бурчакнинг P текислиги унинг оғма томонининг проекциялаш текислигига

перпендикуляр-проекцияловчи бўлади ва унинг изи АВ орқали ўтади. Бунда проекциялаш йўналиши тўғри бурчакнинг биринчи томонига параллел бўлади.

Шундай ижодий ёндошув асосида тўғри бурчакли параллел проекциялашдаги бир томони проекциялар текислигига параллел бўлган тўғри бурчак хоссасини такомиллаштириб, қуйидаги мазмун ва шаклга келтириш мумкин:

Агар бир томони проекциялар текислигига параллел бўлган ва иккинчи томони унга перпендикуляр бўлмаган тўғри бурчакнинг оғма томонининг оғиш бурчаги 0-нольга тенглаштириб олинса, у ҳақиқий кўринишида тўғри бурчак бўлиб проекцияланади.

Бу янги хоссага тўғри бурчакли параллел проекцияларнинг бир томони проекциялар текислигига параллел бўлган тўғри бурчакни **иккинчи хоссаси** деб атаймиз.

Яъни, агар

$$\alpha = 0 \Rightarrow \triangle A_1BC \parallel H \text{ бўлади ва } \triangle A_1BC = \triangle A_1'B'C' \text{ ҳамда } \angle A_1'B'C' = 90^\circ \quad (1)$$


Маълумки, чизма геометрия фанида шу давргача проекцияси бевосита ўзига тенг бўлган геометрик тўртта фигуралар, горизонтал, фронтал, профил ва бир томони проекциялар текислигига параллел бўлган тўғри бурчак мавжуд бўлиб, улардан деярли барча мерик ва қисман позицияларни масалаларни ечишда фойдаланиб келинади.

Биз ишлаб чиққан бир томони проекциялар текислигига параллел бўлган тўғри бурчакнинг такомиллаштирилган хоссаси, чизма геометрия фанида яна бир янги бешинчи, проекцияси билвосита қуриладиган ўзига тенг геометрик фигура, яъни бир томони проекциялар текислигига параллел бўлган тўғри бурчакнинг ҳақиқий кўриниши мавдуд эканлигини кўрсатди.

Бундай тўғри бурчакнинг мавжудлиги унинг текислигини чизмани қайта тузиш усулларида фойдаланмай ҳам, чизма геометриянинг нуқта, тўғри чизик ва текислик бўлимида осонгина горизонтал ёки фронтал вазиятга келтириш имконияти етарли эканлигини кўрсатди.

3- расмда бир томони горизонтал бўлган ABC тўғри бурчакнинг ҳақиқий кўриниши чизмада унинг АВ оғма томонининг Н га оғиш бурчаги α ни 0-нольга тенглаштириб топилган: $ABC = A_1'B'C'$. Шунингдек, бунда унинг текислиги P(ABCD) нинг ҳам ҳақиқий кўриниши $P_0(A_1'B'C'D_1')$ га эга бўлинади.

Шундай қилиб тўғри бурчакли параллел проекцияларнинг тўғри бурчакка оид хоссаси исботига ижодий ёндошиб, унинг талабалар томонидан ўзлаштирилиши осон кечадиган янги исботи ишлаб чиқилди. Бу янги иккинчи хоссанинг афзаллиги шундан иборатки, уни асосида бир йўла тўғри бурчак тўғри бурчак бўлиб проекцияланиши билан бирга, берилган тўғри бурчакнинг ҳақиқий катталигида-кўринишига ҳам эга бўлинади. Олиб борган илмий изланишларимиз янги иккинчи хосса асосида чизма геометрияда метрик масалаларни ечишнинг ҳали ўрганилмаган имкониятлари мавжуд эканлигини кўрсатади.



3- расм

Адабиётлар:

1. Р.Хорунов. Чизма геометрия курси. Тошкент “Ўқитувчи”, 1974, 38-39 бет.
2. Ш.К.Муродов ва бошқалар. Чизма геометрия курси. Тошкент “Иқтисод-молия”, 2008, 42-43 бет.
3. Н.Н.Крылов и другие. Начертательная геометрия. Москва “Высшая школа”, 1977, 32 стр.
4. Э.Собитов. Чизма геометрия қисқа курси. Тошкент “Ўқитувчи”, 1993, 4- бет.
5. В.О.Гордон ва бошқалар. Курс начертательной геометрии. Москва “Наука”, 1988, 38 стр.
6. Н.А.Антипина и другие. Начертательная геометрия. Часть 1. Томский политехнический университет. 2011, 31-32 стр.

УДК 627.824:

ТАЛАБАЛАРДА ФАЗОВИЙ ТАСАВВУРНИ ОШИРИШНИНГ БАЪЗИ ПЕДОГОГИК ВА ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ч.Шокирова – доцент в/б, п.ф.н.Андижон давлат университети
Х.Э.Халилова – катта ўқитувчи, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти.

Аннотация Ушбу мақолада чизилган расмнинг баъзи психологик жиҳатлари тасвирланган. Ва онгда объектнинг маконли шаклланишини шакллантиришнинг умумий схемаси ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фазовий тасаввур, мантикий фикрлаш, хиссийлик, маълумотлар, тушунча, мавҳум образ, геометрик объект, онг

УДК 627.824:

НЕКОТОРЫЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ФАЗОВОГО РАСШИРЕНИЯ У СТУДЕНТОВ.

Ч.Шакирова, Х.Э.Халилова

Аннотация В данной статье описаны некоторые психологические аспекты пространственного представления в черчении. И разработана общая схема формирования пространственного представления объекта в сознании.

Ключевые слова: Пространственное представление, логическое мышление, сведения, абстрактный образ, геометрический объект, сознание.

SOME PEDAGOGICAL AND PSYCHOLOGICAL EXPENDITURES OF TRAINING IN THE STUDENTS


Ч.Шакирова, Х.Э.Халилова

Summary In given article is described some psychological aspects of the spatial presentation in drawing. And is designed general scheme of the shaping the spatial presentation of the object in consciousness.

Keywords: Spatial presentation, logical thinking, information, abstract image, geometric object, consciousness.

Маълумки, ўқув жараёнида фазовий образлар билан ишлаш нафақат объектни қайта тиклашни, балки улар устида амаллар бажаришни, қисмларга ажратиш, алоҳида элементларни яхлитлаш, буюмнинг таркибий қисми сифатида бошқа объектлар билан алоқадорликда бўлиши назарда тутилади ва булар фазовий тафаккурни ташкил этади. Буларнинг ҳаммаси тушунчаларга яқин бўлган умумлашган фазовий тасаввурни шакллантиришга хизмат қилади.

Биз фикрларимизни умумлаштирган ҳолда, объектларни онгимизда идрок этиб, фазовий тасаввурни шакллантиришнинг умумий схемасини ишлаб чиқдик.



Схемадан кўриниб турибдики, фазовий образ ҳосил бўлишида фазовий тафаккур ва фазовий тасаввур қилиш муҳим аҳамиятга эга.

Фазовий тафаккурнинг психологик хусусиятлари шундан иборатки, у ақлий фаолият тури бўлиб, амалий ва назарий масалаларни ҳал қилиш жараёнида фазовий образлар ҳосил қилиш, улар устида таҳлиллар олиб бориш ва график амаллар бажаришни таъминлайди. Уни ривожлантиришда лойиҳалаш, моделлаштириш, график тасвирлаш каби фаолият шакллари жуда муҳим ўрин тутади.

Бу фаолият турларини эгаллаш жараёнида талабалар ўз фаолияти натижасини олдиндан тасаввур қилиш ва уларни расм, чизма, эскиз, қурилмаларда акс эттириш, ҳаёлан уларнинг кўриниши ўзгартириш ва унинг асосида янгиларини бажариш малакаларини мақсадли шакллантирадилар. Яратилган образга мувофиқ унинг тасвирларини бажаришда ўз меҳнат натижаларини ва уни амалга ошириш босқичларини нафақат вақт, балки амалларни фазовий кетма-кетлигини ҳам ҳисобга олиб режалаштириб боришни ўрганадилар.

Фазовий хусусиятлар ва муносабатларни муайян нарса ва предметдан ажратиб бўлмайди - булар айниқса, реал нарсаларнинг ўзига хос абстракт кўриниши бўлган геометрик объектлар (ҳажмли сиртлар, моделлар, чизмалар, схемалар ва ҳ.к.)да яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам фазовий тасаввурни шакллантиришда ва улар устида амаллар бажаришда геометрик объектлар (уларнинг турли комбинацияси) асосий восита бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги психологияда фазовий тасаввур тушунчаси мавжуд объект ёки ҳодисанинг идрок этиш натижасида ҳосил бўлувчи мавхум образнинг тушунчаси билан боғланади. Фазовий тасаввурлар фазовий объект ёки ҳодисаларнинг трансформацияланиб онгимизда идрок этилиши ва бу фаолият жараёнида тасвирли ахборотларни хотирада акс этган яхлит

субъектив образдир. Шундай экан, биз фазовий тасаввурни шакллантириш ва ривожлантириш жараёнига, онгимизда образлар ҳосил қилиш ва улар устида амаллар бажариш жараёни сифатида қарашимиз мумкин.

Фазовий тасаввурга бундай нуқтаи назар талабаларнинг фазовий тасаввурини шакллантириш ва ривожлантириш методикасини ишлаб чиқишда кўпгина методист олимлар томонидан асос қилиб олинган [3]. Улар кўпроқ фазовий (геометрик) конфигурациянинг у ёки бу образи, ҳамда унинг элементлари ва улар орасидаги муносабатлар тушунилади. Фазовий тасаввурни шакллантириш ва ривожлантириш жараёни ўганилиаётган объектнинг фазовий образлари ёки схематик конфигурацияларни ҳаёлан лойиҳалаш ва объект устида бажарилиши лозим бўлган амалларни улар устида бажариш малакаси билан тавсифланади.

Тасаввурларнинг билишдаги ўрни ҳиссийликдан фикрлашга ўтишда боғловчи занжир бўғини эканлигидадир. Талабалар онгида шакллантирилган геометрик объектлар ҳақидаги маълумотлар тушунчалар сифатида идрок этилиб билим, қўникма, малака ва тажрибага айланиб боради.

Тасаввур билишнинг муҳим элементи сифатида нарса ва ҳодисалар образини улар ҳақидаги тушунчаларнинг мазмун моҳияти билан боғлашга хизмат қилади [4]. Тасаввурларнинг шаклланиши тушунчаларни эгаллашни талаб қилади, чунки тушунчалар образнинг моҳиятини белгилаб беради. Айтиш мумкинки, геометрик объектлар ҳақидаги фазовий тасаввурларни шакллантириш жараёни улар ҳақидаги тушунчалар ва билимлар асосида кечади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб шуни хулоса чиқариш мумкин:

Фазовий тасаввур - фазодаги мавжуд объектларни онгимизда аслидагидек идрок этиш жараёнида нарса ва ҳодиса тўғрисидаги мантикий фикрлаб хулоса қилинган билимлар йиғиндиси асосида акс эттирилган мавхум образдир.

Адабиётлар:

1. Абдурахманов Ш. Чизма геометрия курсини ўқитиш маҳсулдорлигини оширишнинг илмий-методик асослари. Монография -Наманган, 2007.
2. Адилов П, Ташимов Н., Хошимова Х. Чизма геометрияда мураккаб ва қийин масалаларни бериш талабаларда фазовий тафаккурни ошириш воситаси сифатида. - Т., Педагогик таълим, 2005/3. -Б. 94-97
3. Холимов М. Фазовий тасаввурлаш ва мантикий фикрлаш қобилиятини ўстиришнинг тезкор усули. -Т.: Низомий номидаги ТДПУ, Республика ИАК материаллари, 2005 й, -Б. 120-122.
4. Якиманская И.С. Развитие пространственного мышления школьников. -М.: Просвещение, 1980. - 239с.

УДК 627.824:

ОСНОВНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПРЕПОДАВАНИЯ ТЕХНИЧЕСКИХ И ИНЖЕНЕРНЫХ ДИСЦИПЛИН В ВЫСШИХ УЧЕБНЫХ ЗАВЕДЕНИЯХ

Рожкова А. С., магистрант 2 курса

Ташкентский институт инженеров железнодорожного транспорта

